



## DRAWINGS ON THE HISTORY OF THE TASHKENT MEDICAL ACADEMY

*Khurshida Alieva*

*Master student*

*University of Economics and pedagogy*

*Uzbekistan, Karshi*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Tashkent Medical Academy, history of medicine, medicine of Uzbekistan, medical education, development of medical science.

**Received:** 10.12.24

**Accepted:** 12.12.24

**Published:** 14.12.24

**Abstract:** The process of founding the Tashkent Medical Academy is distinguished by its rich history and importance in improving the health of the population. This article examines the initial stages of development of the medical sphere in Uzbekistan and the process of founding the academy.

## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ТАРИХИГА ЧИЗГИЛАР

*Хуришида Алиева*

*магистрант*

*Иқтисодиёт ва педагогика университети*

*Ўзбекистон, Қарши*

### МАҶОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Тошкент тиббиёт академияси, тиббиёт тарихи, Ўзбекистон тиббиёти, тиббиёт таълими, тиббиёт фанининг ривожланиши.

**Аннотация:** Тошкент тиббиёт академиясининг ташкил топиш жараёни ўзининг бой тарихи ва халқ саломатлигини яхшилашдаги аҳамияти билан ажралиб туради. Мазкур маҷола Ўзбекистондаги тиббиёт соҳаси ривожининг дастлабки босқичлари ва академиянинг асос солиниш жараёнини ёритади.

## РИСУНКИ ПОСВЯЩЕННЫЕ ИСТОРИИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

*Хуришида Алиева*

*Магистрант*

*Экономико-педагогического университета*

*Узбекистан, Карши*

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Ташкентская медицинская академия, история медицины, медицина Узбекистана, медицинское образование, развитие медицинской науки.

**Аннотация:** Процесс основания Ташкентской медицинской академии отличается своей богатой историей и значением в улучшении здоровья населения. В данной статье рассматриваются начальные этапы развития медицинской сферы в Узбекистане и процесс основания академии.

### КИРИШ

Тошкент тиббиёт академиясининг ташкил топиши О‘zbekistonда тиббиёт соҳасини ривожлантиришдаги тарихий воқеаларнинг муҳим босқичларидан биридир. Бу жараён нафақат тиббий кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш, балки халқ саломатлигини яхшилаш, тиббиёт илмида илғор ғояларни жорий этиш ва миллий соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган эди. Совет Иттифоқи давридаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва жаҳон тиббиётидаги энг янги тамоиллар ушбу таълим муассасасининг юзага келишига замин яратди. Мазкур академиянинг ташкил топиши мамлакатда тиббий таълимнинг янги босқичига ўтишни белгилаб берди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

1918 йил 21 апрелда Тошкент шаҳрида зиёлилар ташаббуси ва В.И.Лениннинг шахсий кўрсатмаси билан Туркистон Халқ университети ташкил этилди. Таълим муассасасининг биринчи ректори А.В.Попов бўлди[1]. Университет таркибида тиббиёт факультетини ҳам очиш тадбирлари кўрилди.

Туркистон АССР ва РСФСР ҳукумати ўртасидаги ёзишмалардан сўнг 1919 йил 25 июнда Туркистон Халқ университети таркибида тиббиёт факультетини очиш зарурлиги тўғрисидаги қарорга келинади. 1919 йил 15 августда Тошкент шаҳридаги «Буфф» кафеси биносида Олий тиббиёт мактаби очилди. Олий тиббиёт мактабининг биринчи директори лавозимига Г.Н.Броверман тайинланди[2]. Олий тиббиёт мактаби I курсига 550 нафар тингловчи қабул қилиниб, аммо ўша давр қийинчиликлари туфайли улардан фақат 250 нафари ўкув машғулотларида иштирок этди[3]. Олий тиббиёт мактаби ўлкада врачларни тайёрловчи илк таълим маскани ҳисобланиб, ўша давр учун жуда катта тарихий воқеа бўлди.

Туркистон Давлат университети Кенгаши Олий тиббиёт мактаби вакиллари билан биргалиқда 1919 йил 4 декабрда ўтказилган йигилишда бу мактабни университет таркибида тиббиёт факультетига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. 1920 йил 24 ноябрда Олий тиббиёт мактаби Туркистон Давлат университетининг тиббиёт факультетига айлантирилди[4]. Бу даврда факультет фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ташкилий ишлар

олиб борилди. Тиббиёт факультетини ташкил этиш бўйича 12 нафар кишидан иборат маҳсус комиссия тузилади. Москвада тиббиёт факультети ташкил этилиб, унинг биринчи декани проф. П.Н.Ситковский ва декан ўринбосари проф. К.Г.Хрущев эди. Ҳукумат ташкилий қўмитага катта микдорда пул юборди ва жиҳозларни олиш учун барча имкониятларни яратишга ҳаракат қиласди. Бир неча профессор-ўқитувчилар Тошкентда ишлашга рози бўлишади. Кафедралар ва клиникалар учун ускуналар сотиб олинади ва Тошкентга жўнатиш учун тайёрланади, кутубхона қайта жиҳозланади. Шу ўринда россиялик тиббиёт ходимларининг ўлка тиббий таълим мини йўлга қўйиш ишидаги ташабbusi ва жонбозлигини эътироф этиш лозим.

Туркистон Республикаси Соғлиқни сақлаш халқ комиссари И.И.Орловнинг тиббиёт факультетининг очилишида хизмати катта бўлди. Тиббиёт факультетини ташкил этиш вазифаси муваффақиятли ҳал қилинди. Бунга биринчи навбатда Туркистон АССР ҳукумати ва маҳаллий жамоат ташкилотларининг ҳар томонлама фаол ёрдами, шунингдек, Тошкент ва Москвада фаолият юритган ташкилий ишчи гуруҳларининг ҳаракати туфайли эришилди.

Совет давлати тиббий кадрлар тайёрлаш, даволаш муассасаларини тиббий мутахассислар билан таъминлаш масаласига муайян даражада эътибор қаратиб, тиббий кадрлар тайёрлаш тармоғини кенгайтиришга ҳаракат қиласди. 1931 йил 1 июнда ВКП (б) МКнинг “Тиббиёт кадрлари ҳақида”ги, 1931 йил 5 сентябрда СССР МИКнинг “Шифокорлар тайёрлаш ҳақида”ги қарорлари қабул қилинди[5]. Хусусан, Туркистон Давлат университети тиббиёт факультети 1920 – 1930 йиллар давомида фаолият кўрсатиб, даволаш муассасаларининг тиббий кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришни яхшилаш мақсадида юқорида таъкидланган қарорларга мувофиқ Ўзбекистонда ҳам мустақил тиббиёт институтлари очила бошланди. 1931 йил 30 марта Ўрта Осиё Давлат университети (САГУ) нинг факультетлари алоҳида олий ўқув юртларига айлантирилиб, унга Ўрта Осиё тиббиёт институти номи берилди ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги таркибиiga ўтказилди[6]. Ўрта Осиё тиббиёт институтининг биринчи ректори профессор Г.П.Федоров бўлди, ундан сўнг институтга Ҳ.У.Умаров раҳбарлик қиласди[7].

Ўрта Осиё Тиббиёт институти ташкил этилиши билан таълим муассасаси ҳаётида жиддий ўзгаришлар бўлди. Аввало талабалар орасида маҳаллий миллат вакиллари сони ортди. Шу вақтгача тиббиёт йўналишида таълим олаётган талабалар сони бармоқ билан санарли даражада бўлган бўлса, 1931 йилдан бошлаб бу масалада кескин бурилиш режалаштирилди. Шунингдек, маҳаллий миллатлардан бўлган ўқитувчилар сони ҳам ортди ва 1931-1932 ўқув йилининг биринчи семестридан ўқув машғулотлари ўзбек тилида олиб борилди[8].

Ҳар бир олий таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйишда аввало унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. 1934 йили тиббиёт институти учун давлат бюджетидан 5.377.032 рубл ажратилган бўлса, 1935 йили бу 7.238.455 рубл, 1936 йили 9.758.040 рубл, 1939 йили 18.000.000 рубл бўлди.[9] Аммо маблағ билан институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш анча мушкул эди. Шу боис, бу борада қатор муаммолар мавжуд эди. Тиббиёт институти собиқ кадет корпуси биносида фаолият кўрсатиб, кафедра ва клиникалар собиқ ҳарбий хизматчиларнинг баракларида жойлаштирилди. Баъзи кафедралар хона етишмаслиги туфайли бошқа кафедраларнинг базасида фаолият олиб борди. Қолаверса, кафедралар маҳсус тиббий жиҳозлар билан етарли даражада таъминланмади. Клиника ва назарий кафедралар фақат 50 фоизга жиҳозлар билан таъминланди. Аудиториялар ўзининг ҳажми жиҳатдан оддий талабга ҳам жавоб бермади. Бино етишмаслиги туфайли институт жамоасини бир жойда тўплаш имкони йўқ эди. Институт биноси темир йўл ва ҳарбий ўқ отиш майдони – тир яқинида жойлашганлиги туфайли доимий поездларнинг шовқини, ўқ овозлари ўқув машғулотларига халақит қилган. Институтнинг молиявий ва хўжалик аҳволи умуман талабга жавоб бермаганди[10].

Бу каби муаммоларни бартараф қилиш учун институт маъмурияти ҳам жиддий ҳаракат олиб борди. Масалан, 1933 йилдан мазкур тиббиёт институтида жадал қурилиш ишлари олиб борилди. Институтдаги экспериментал фанлар кафедралари кенгайтирилиб, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Физиология, патофизиология ва биокимё кафедралари операция хонаси ва клиникаси учун қўшимча бинолар қурилди. 1935 йили юкумли касалликлар клиникасида илмий-тадқиқот ишлари қўламини кенгайтириш мақсадида бинолар қурилди. Тери-таносил касалликлари клиникаси сезиларли даражада кенгайтирилди. Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари клиникаси алоҳида икки қаватли бинога кўчирилди. Шунингдек, талabalар учун иккита янги ётоқхона қурилди. Умуман, институтда умумий сиғими 109000 м<sup>3</sup> майдонли бинолар қурилди. Тиббиёт институтининг кутубхона фонди ҳам ортиб борди. Масалан, 1920 йили кутубхона фондида 3 минг жилд китоб бўлган бўлса, 1930 йили бу 30 минг жилд, 1939 йили 110 минг жилдга кўпайди. Демак, 20 йил давомида кутубхона фонди 30 мартадан кўпроқ ўси[11]. Бу бутун минтақадаги энг катта тиббиёт кутубхоналаридан бири эди.

Ўрта Осиё тиббиёт институти 1935 йилдан Тошкент давлат тиббиёт институти деб номланди[12]. Тиббиёт институтига 1938 йилда 581 нафар, 1949 йили 2767 нафар талаба қабул қилинди. Шу йилларга тааллуқли равишда талabalар орасида маҳаллий миллат вакиллари сони 105 нафардан 780 нафарга кўпайди. Умуман, 1921 – 1935 йиллар давомида ТошМИда 1707 нафар шифокор тайёрланди[13].

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент тиббиёт академиясининг ташкил топиши Ўзбекистонда тиббиёт соҳасининг шаклланиши ва ривожланишида улкан аҳамият касб этади. Бу муассаса нафақат малакали тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш, балки миллий тиббиёт илмидаги асосий ютуқларга эришишда муҳим ўрин тутди. Академиянинг ташкил топиши халқ саломатлигини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширди ва соғлиқни сақлаш тизимиға янги ёндашувларни жорий этиш имконини яратди.

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўз МА, 2087-фонд, 3-рўйхат, 671-иш, 2- варак.
2. Бакиев А. Б. История и современное состояние подготовки врачебных кадров в Узбекской ССР. Автореф. дисс... канд. мед. наук. – Т.: 1968. – С. 6.
3. Бакиев А. Б. У истоков современного врачебного образования в Средней Азии // Вопросы организации здравоохранения и истории медицины Узбекистана. – Т.: 1968. – С. 85.
4. Народный университет. Очерки Туркестанского народного университета.– Ташкент, 1918.–С.2 – 10.
5. Мўминова Г.Э. Ўзбекистонда тиббиёт ва соғлиқни сақлаш: муаммо ва оқибатлар (1946 – 1990) (Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси.–Ташкент, 1999.–Б.108.
6. Ўз ИТТҲМА, 1-фонд, 1-рўйхат, 285-иш, 1-варак.
7. Садыков С. Высшая школа – кузница подготовки кадров.– Ташкент, 1973.– С. 124.
8. Ўз ИТТҲ МА, 1-фонд, 1- рўйхат, 202-иш, 193-варак орқаси.
9. Ўз МА, 837-фонд, 32-рўйхат, 1842-иш, 20 – 25-варак.
10. Ўз МА, 837-фонд, 14-рўйхат, 608-иш, 135-варак.
11. Ўз ИТТҲ МА, 1-фонд, 1- рўйхат, 202-иш, 190 – 199-вараклар.
12. 50 лет Ташкентскому государственному институту. – Ташкент: Медицина, 1970.– С. 8.
13. Ўз МА, 837-фонд, 14-рўйхат, 608-иш, 133-варак.